

СЎЗ БОШИ

1. ИШИЛАБ ЧИКИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- \* Марказий магистрал электр тармоқлари қорғолиши.
- \* Ислам Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети.

2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
қўрамадаги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг буйруқ буйича  
ўқув-ўқувчи баҳолашлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
2018 йил 25 август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

**5310200 –Электр энергетикаси (электр таъминоти)  
бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Маъқул малака талабларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудлари раёми  
чиқи олиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим  
вазирлигига тегишlidir.

Тошкент

**ЎЗР ОЎМТВ**  
Буйруқ № 744  
25.08.2018

## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Марказий магистрал электр тармоқлари корхонаси.
- Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2018 йил «18» август даги 4 - сонли йиғилишида маъқулланган.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабларни Ўзбекистон Республикаси худудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<b>5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) бакалавриат таълим йўналишининг умумий таснифи .....</b>	4
1.1.	Кўлланиш соҳаси .....	4
1.2.	<b>5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи</b>	4
2.	<b>5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	6
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар.....	6
2.2.	<b>5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....</b>	6
3.	<b>5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	8
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.2.	<b>5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми ...</b>	11

## 1. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастурлари асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилади.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъерий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака (даража)	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъерий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

#### 1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаблари 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаблари асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиши бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтихон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

1.2. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг таснифи

1.2.1. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) бакалаврият таълим

йўналиши – фан ва техника соҳасидаги йўналиш бўлиб, у электр энергиясини ишлаб чиқариш, ўзгартириш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш ва улардан фойдаланишга, соҳа истикболини белгилашга, касбий кўникма, мутасаддилик қобилиятига йўналтирилган инсон фаолиятининг воситалари, усуллари, методлари ва услубларининг мажмуасини қамраб олади.

**1.2.2. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

- электр энергиясини ишлаб чиқариш, ўзгартириш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш жараёнлари;

- электр энергия истеъмолчилари;

- электр таъминоти тизимида ишлатиладиган жиҳозлар ва уларнинг конструкциялари;

- илмий ва ишлаб чиқариш фаолиятини техникавий таъминлаш воситалари; касб-хунар коллежларидаги ўқув-тарбия жараёни.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти куйидагиларни қамраб олади:**

- *ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари талаблари учун техникавий фанлардан ўқув-услубий мажмуаларни ва ўқув қўлланмаларни тайёрлаш;*

- *ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида мутахассисликка оид техникавий фанларни ўқитиш;*

- *истеъмолчилар электр таъминоти соҳасига оид билимлар мажмуи;*

- *электр станциялари, подстанциялари, тармоқлари, тизимлари ва электр таъминоти тизимларини лойиҳалаш;*

- *электр станциялари, подстанциялари, тармоқлари, тизимлари ва электр таъминоти тизимлари ва уларнинг элементларини монтаж қилиш;*

- *электр станциялари, подстанциялари, тармоқлари, тизимлари ва электр таъминоти тизимлари ва уларнинг элементларини ишлатиш;*

- *ўрта махсус, касб-хунар таълими тизими (ўрнатилган тартибда олган малакасига мос равиш)да ўқув жараёнларини ташкил этиш ва қўллаш.*

**1.2.3. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

• *ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларида педагогик;*

• *муҳандислик – қидирув ва лойиҳа-конструкторлик;*

• *ишлаб чиқариш – технологик;*

• *ташқилий-бошқарув;*

• *илмий – тадқиқот;*

• *фойдаланиш-сервис.*

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Энергетика соҳасидаги касбий фаолиятга мослашиши ва таълим йўналиши бўйича педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-хунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

#### **1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти)** таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин:

*5A310201 – Электр таъминоти (тармоқлар бўйича);*

*5A310202 – Энергия тежамкорлиги (тармоқлар бўйича);*

*5A310203 – Электр станциялари;*

*5A310204 – Электр энергетикаси тизимлари ва тармоқлари (фаолият турлари бўйича).*

мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда магистратурада ўқишни давом эттириши мумкин.

Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.

## **2. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий-илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;
- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний қадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;
- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ходисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиш;
- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф муҳитга муносабатини белгилловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиш;
- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;
- тегишли бакалаврият йўналиши бўйича ракоботбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;
- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Бакалавр:**

- таълим йўналишлари бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;
- тегишли бакалаврият йўналишлари доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;
- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

## **2.2. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

### **Муҳандислик-қидирув ва лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

электр энергетикаси қурилмаларини қисмлари ва деталлари ва йиғма бирликларининг лойиҳасини тизимли ёндошув асосида автоматлаштирилган равишда ишлаб чиқиш;

бажарилаётган тажриба-конструкторлик ва амалий ишлар мавзуси бўйича математик, инфорацион ва имитацион моделларни ишлаб чиқиш ва тадқиқот қилиш;

лойиҳавий ва дастурий ҳужжатларни ишлаб чиқиш;

электр энергетикаси қурилмаларини ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш;

амалиётда ахборот технологияларининг халқаро ва касбий стандартларини, замонавий парадигма ва методологияларни, инструментал ва ҳисоблаш воситаларини тайёргарлик ихтисослигига мос равишда **қўллаш қобилиятларига эга бўлиши лозим.**

### **Ишлаб чиқариш-технологик фаолиятда:**

электр таъминоти тизими жараёнларини бажариш, маромига етказиш ва ўзлаштириш;

истеъмолчиларнинг электр таъминотини лойиҳалаштиришда технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилиш;

намунавий технологик жараёнларни ишлаб чиқиш ва уларни амалда қўллаш;

илмий ва амалий фаолиятда автоматлаштирилган тизимларнинг инструментал воситалари ва муҳитларини ривожлантириш ва улардан фойдаланиш;

касбий этика кодексига риоя қилиш **қобилиятига эга бўлиши лозим.**

### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

электр таъминоти тизимида энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;

истеъмолчилар электр таъминоти тизимида истеъмолчилар узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш;

замонавий ахборот технологиялари тизимини яратиш ва улардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қурилиш ишлаб чиқариши технологик жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш услублари ва механизмларини ишлаб чиқиш;

атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига риоя қилиш талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;

муҳандислик ва конструкторлик ечимларини амалиётга татбиқ қилишни ташкил қилиш ва бошқариш;

ишлаб чиқариш жараёнларини бажаришда сифатни бошқариш;

ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;

фикрлар хилма-хиллиги шароитида бошқарув қарорини қабул қилиш;

бирламчи ишлаб чиқариш бўғинининг ишини ташкил қилиш ва уни бошқариш;

бажараётган фаолияти бўйича иш режасини тузиш ва уни бажариш, назорат қилиш ва амалга оширишда эришилган натижаларини баҳолаш;

ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-муҳит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мослигини мониторинг қилиш **қобилиятларига эга бўлиши керак.**

### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

илмий тадқиқот ишларини амалга оширишда электроэнергетик қурилмалари ва жиҳозларини синаш, улардан фойдаланиш ҳамда техник воситаларни, тизимларни, жараёнларни, жиҳозлар ва материалларни стандартлаштириш билан боғлиқ тадбирларда қатнашиш;

электроэнергетика соҳасидаги махсус адабиётлар, илмий техникавий маълумотлар, чет элда ва республикамизда эришилаётган фан ва техника соҳасидаги ютуқларни ўрганиш;

илмий тадқиқотларни ўтказиш ва ишланмаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;  
мавзу (топширик) бўйича илмий техник маълумотларни йиғиш, ишлов бериш,  
таҳлил этиш ва тизимлаштириш;

тадқиқот натижалари ва ишланмаларини таҳлил қилиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

#### **Фойдаланиш-сервис фаолиятида:**

электроэнергетика тизимлари ва жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиши;

технологик таъминлаш жиҳозлари, ускуналари ва воситаларни синов текшириш усулларини эгаллаган бўлиши;

энергетик қурилмалар жиҳозларини, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг техник ҳолатини текшириш ва қолдиқ ресурсини *баҳолаш усулларини эгаллаган бўлиши керак.*

### **3. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

*5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти)* бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг қуйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режа мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

#### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

##### ***Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоқи буйича:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади;

##### ***Гуманитар ва табиий-илмий фанлар блоқи:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар фанларга қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими билан узвийлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда ахборот технологиялари ва жараёнларни математикмоделлаштириш, ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг металларга босим билан ишлов бериш соҳасидаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

табий ва илмий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги; замонавий табий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси; табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари; табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасавурларни шакллантириши;

табий-илмий фанларнинг асосий қонунларидан фойдалана олиши, математик анализ ва моделлаш, назарий ва экспериментал тадқиқот методларини қўллай олишни шакллантириши;

мантикий фикрлашни ривожлантириши, муҳандислик масалаларини қўйиш ва математик усуллардан фойдаланиб ечимларни топа билиши, тадбиқий муҳандислик масалаларини математик моделлаштириши ва ечиши, олий математикага доир адабиётлардан мустақил фойдаланиши;

информацияни олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва узатишнинг асосий методлари, усуллари ва воситаларидан фойдаланишни эгаллаган бўлиши;

саноқ тизимларида ишлаши, ЭҲМнинг ички ва ташқи қурилмалари, Windows амалиёт тизимида папка ва файллар яратиши, улар устида амаллар бажариши, MS Word, MS Excel, MS Power Point, MS Access дастурларида ҳужжат яратиши ва қайта ишлаши, компьютер тармоқларида ишлаши, улардан ўзига керакли маълумотларни излаши ва фойдаланиши, ўз маълумотларини узатиши, объектга йўналтирилган дастурлаш тили ёрдамида чизиқли, тармоқланишли, такрорланишли ва мураккаб жараёнларни дастурлаштиришни эгаллаган бўлиши;

физикавий моделларни тадқиқ қилиш; ишлаб чиқариш жараёнларида ва техникавий объектларда энг оддий физикавий тизимларнинг моделларидан фойдаланиш; физика фанининг турли бўлимларига характерли бўлган қийматларнинг сонли тартибини ўлчаш ва баҳолашни эгаллаган бўлиши;

кимёвий тажрибаларни бажаришда керакли ускуна, реактив ва жиҳозлардан фойдалана олиши; олинган билим ва кўникмалари асосида экологик вазиятни назорат қилиши ва саноатда ва кундалик ҳаётда қўллаши;

жисмларнинг мувозанат тенгламалари, механиканинг асосий қонунлари, теоремалари, принциплари, ҳаракатнинг устиворлиги ва барқарорлиги, механик системанинг ҳаракати ва мувозанатини билиши;

ҳаракат содир бўлаётган фазо ва унинг хоссаларини ҳамда ишлаб чиқариш технологик жараёнларига энг содда физик ва математик моделларни қуриш ва бу моделлар асосида технологик жараённи барқарорлигини таъминлаши;

экологик дунёқараш шаклланган бўлиши, экологиянинг концептуал асосларини билиши;

атмосферани захарли газлардан тозалашда катализатор, адсорбент ва абсорбент танлаши; атмосферани чанглардан тозалашда ювувчи эритмани танлаши; оқава сувларни физик-кимёвий ва кимёвий усулда тозалашда кимёвий реагент танлаши ва уларни ишлатишда хавфсизлик техникасига риоя қилиши; катализатор, сорбент ва ювувчи эритмаларнинг хоссаларини ва сифат кўрсаткичларни аниқлай олиши;

ишлаб чиқариш технологиялари таълим соҳаси учун зарур бўлган математик ва табий-илмий фанларнинг назарий ва илмий асосларини шакллантириши лозим.

#### **Умумқасбий фанлар блоқи буйича:**

математик ва табий-илмий фанлар билан ихтисослик фанлари ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;

ихтисослик фанларини ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумқасбий билимларни, амалий кўникма ва ўқувларни шакллантириши;

умумқасбий вазифаларни ҳал этишда фан ва таълимнинг замонавий муаммоларига доир билимлардан фойдаланишга тайёрлаши;

умумқасбий вазифаларни муваффақиятли амалга оширишга доир ахборий-дидактик таъминотни яратиш малакасини таркиб топтириши;

моделли тасаввурларни, тажриба усуллари ва олинган натижаларни қайта ишлаш йўриқларига оид билимларни амалда қўллаш кўникмаларини таъминлаши;

Давлат стандартлаштириш тизими ва конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими талаблари асосида муҳандислик чизмаларни тузиш тартиби ва қоидаларини; йиғиш чизмаларини ўқиш ва деталларга ажратиш талабларини; йиғиш чизмаларини бажариш талабларини билиши ва улардан фойдалана олиши;

конструкторлик ҳужжатларининг ягона тизими ва Давлат стандарти талаблари асосида муҳандислик объектларининг чизмаларни тузиш ва ўқиш кўникмаларига эга бўлиши;

корхонани бошқариш асосларини; корхонани бошқаришдаги иктисодий-математик усуллари; бошқарувчи ходимларни шакллантириш жараёнини; корхонанинг ҳаёт циклини билиши ва улардан фойдалана олиши;

талаб ва таклиф назариясидан фойдаланиш; бизнес-режани ишлаб чиқиш кўникмалари шаклланган бўлиши;

хавфсизликни таъминлаш тамойиллари, услублари ва воситаларини таҳлил қилишни; фаолиятнинг хавфсиз шароитларини лойиҳалашни; ишлаб чиқариш санитарияси ва меҳнат гигиенасини; ҳаёт фаолияти хавфсизлигини таъминлаш соҳасида қабул қилинган қонун ҳужжатлари ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг асосий талабларини билиши;

ишлаб чиқариш тармоқларида хавфсиз иш шароитини ташкил этишни; зарарсиз иш шароитини таъминловчи умумий ва шахсий ҳимоя қилиш воситаларидан фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

конструкция ва конструкция элементларини мустаҳкамликка, бикрликка устиворликка ва чидамликка ҳисоблашни билиши;

механизмларни оптимал параметрларини аниқлаш; конкрет механизмларни ҳисоблашда ЭҲМда ҳисоблаш дастурларини ишлаб чиқиш; машина ва механизмларнинг кинематик ва динамик параметрларини аниқлашда ўлчов асбоб-ускуналаридан фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

юритмаларни тузиш, узатмаларни кинематик ҳисоблаш, узатма, вал ва ўқлар, подшипниклар ва бирикмаларни ишчанлик қобиляти бўйича лойиҳаловчи ва текширувчи ҳисобларни бажариш кўникмаси шаклланган бўлиши;

механик ишлов бериш технологик жараёнларини лойиҳалаш, ўлчамлар занжирларини ҳисоблаш, технологик жараёнларнинг техник -иктисодий кўрсаткичларини баҳолаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

электр машиналарини ишлатиш; электр машиналари ва трансформаторларнинг иш режимларини таҳлил қилиш ҳамда уларни ишлатиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

электротехника, электроника ва электр юритма соҳасидаги фан-техника ва технологияларнинг энг сўнгги ютуқларидан хабардор бўлиш, янги ҳисоблаш усуллари муаммоларини ҳал этишни қўллай билиш; замонавий электр юритма, электроника, микроэлектроника, микро жараёнлар техникаси қурилмалари ва уларни мутахассислик йўналишларида қўллай олиш ва меҳнат фаолиятини илмий асослаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

ўтказгичлар ва кабеллар ўзақларини кўндаланг кесимларини танлаш; саноат корхоналари электр таъминот тизимида реактив қувват танқислигани тўлдириш (компенсациялаш); асосий тушунчалар; реактив қувват истеъмолчилари; реактив қувватни компенсациялашни афзалликлари; компенсацияловчи қурилмалар ишлатмасдан реактив қувват истеъмолини камайтириш; кам юкланган асинхрон юриткичларни кичик қувватлисига алмаштириш; асинхрон юриткичларни салт ишлашини камайтириш; компенсацияловчи қурилмаларининг қувватини танлаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

суюқликларни очиқ ўзанларда ҳаракатини баҳолаш ва турларга ажратиш; сув ўтказувчи тўсиқларни қўллаш; газларнинг мувозонат ҳолатларини асосий қонунлар асосида баҳолаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

сув энергиясидан фойдаланиш шартлари; сув-энергия манбалари; суғориш тизимлари; гидравлика ва гидроаэромеханиканинг асосий қонуниятларини таҳлил қила олиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

гидрометрик створлар, ўлчаш постлари, гидрометрик вертушкалар, сарф ўлчагичлар, сатҳ ўлчаш асбоблари, лотлар, босим ўлчаш асбоблари, гидрогеологик ва геофизик ўлчаш асбобларидан фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

гидротурбиналар, гидроэлектростанциянинг асосий параметрларини; сув ташлагич қурилмаларига кўра қўлланилиши; оқова новли гидроэлектр станциялар; эркин оқувчан гидростанциялардан фойдаланиш кўникмаси шаклланган бўлиши;

насослар ва насос станцияларини танлашда техник-иқтисодий таққослаш; насослар ва насос станцияларини лойиҳалаш ва қуриш; каналларда насос қурилмалари ва станцияларини лойиҳалаш ва қуриш; дарё ўзанларида насос қурилмалари ва станцияларини лойиҳалаш ва қуриш; насос станциялари гидроузелларини лойиҳалаш ва қуриш кўникмаси шаклланган бўлиши;

ишлаб чиқариш, саноат ва қишлоқ хўжалигида ишлатиладиган қурилиш материаллари, каналлар, сув олувчи иншоотлар, дюкер, акведук, куйи бьеф иншоотлари, туташтирувчи иншоотлар, гидротехник туннеллар, гидротехника иншоотларидаги фильтрация, тупроқ ва бетондан қурилган тўғонлар, гидротехника иншоотлари механик жиҳозлари, гидроэлектростанция биноси, гидроэлектростанция ва насос станцияларидаги сув олувчи иншоотларни қуриш ва лойиҳалаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

қайта тикланувчан энергия манбалари ва уларни ишлатиш шартлари ва қонуниятларини таҳлил қилиш шу билан бирга ҳисоблаш кўникмаси шаклланган бўлиши;

талабаларни Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва таълимни самарали ташкил этишга ўргатиш лозим.

#### **Ихтисослик фанлар блоки:**

*Электр энергетикаси (электр таъминоти)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истиқболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

*Электр энергетикаси (электр таъминоти)* бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва ўқувларини шакллантириши;

ихтисосликнинг аниқ касбий ва илмий йўналишлари билан таништириш, касб фаолияти хусусиятлари, фаолиятнинг устувор жиҳатлари, малакавий талаб ҳамда эгалланиши зарур бўлган асосий малакаларни таркиб топтириши;

касбий-йўналтирилган талаблар, ижтимоий маданий сифатлар, мутахассисликка хос бўлган сифатлар (касбий йўналганлик, билимдонлиги, касбий лаёқат)ни ривожлантириши;

муҳандис нуқтаи назаридан фикрлашни ривожлантириши ва ўз соҳасидаги муҳандислик масалаларини мустақил режалаштириб ечишга қодир бўлган бакалаврни тайёрлаши;

*Электр энергетикаси (электр таъминоти)* бакалавриат таълим йўналишидаги объектлар ва жараёнларни, жумладан амалий дастурлар пакетларини ва математик моделлаштиришнинг элементларини қўллаб, тадқиқот қилиш қобилиятини шакллантиришга кўмаклашиши;

талабанинг муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим;

Олий таълим муассасаси ихтисослик фанларининг дастурларини ишлаб чиқишда кадрлар буюртмачиларининг талабларини эътиборга олади.

#### **Кўшимча фанлар блоки:**

*Электр энергетикаси (электр таъминоти)* бакалавриат таълим йўналиши талабаларининг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича қўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

меҳнат бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши;

таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва меҳнат бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалаврият таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фанлар дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминлаши лозим.

**Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

**3.2. 5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми.**

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкласининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 52 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 30 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

Назарий ва амалий таълим -	62,7 %
Аттестациялар -	8,8 %
Таътил -	14,7 %
Малакавий амалиёт -	10,8 %
Битирув малакавий иши -	3 %

Назарий таълим ҳажми фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

Гуманитар ва табиий-илмий фанлар -	30 %
Умумкасбий фанлар -	32 %
Ихтисослик фанлари -	32 %
Қўшимча фанлар -	6 %

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

**5310200-Электр энергетикаси (электр таъминоти) бакалавриат таълим йўналиши бўйича таълим дастурининг тузилиши**

Т/р	Ўқув блоклари, фанлар ва фаолият турларининг номлари	Умумий юкламанинг ҳажми, соатларда
<b>1.00</b>	<b>Гуманитар ва табиий илмий фанлар</b>	<b>2058</b>
1.01	Ўзбекистон тарихи	78
1.02	Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти	90
1.03	Фалсафа	128
1.04	Диншунослик	64
1.05	Ўзбек (рус) тили	150
1.06	Хорижий тил	356
1.07	Жисмоний тарбия ва спорт*	128
1.08	Техник тизимларда ахборот технологиялари	184
1.09	Олий математика	420
1.10	Физика	218
1.11	Кимё	112
1.12	Экология	72
1.13	<i>Танлов фанлари</i>	58
<b>2.00</b>	<b>Умумқасбий фанлар</b>	<b>2226</b>
2.01	Касбий психология	70
2.02	Чизма геометрия ва муҳандислик графикаси	124
2.03	Соҳа иқтисодиёти ва менежменти	88
2.04	Ҳаёт фаолияти ҳавфсизлиги	88
2.05	Метрология ва стандартлаштириш	120
2.06	Назарий механика	120
2.07	Электр машиналари	208
2.08	Назарий электротехника	406
2.09	Йўналишга кириш	136
2.10	Электр таъминоти тизимида энергия тежамкорлиги	198
2.11	Станция ва подстанцияларнинг электр қисми	88
2.13	Электр тармоқлари ва тизимлари	220
2.12	<i>Танлов фанлари</i>	360
<b>3.00</b>	<b>Ихтисослик фанлари</b>	<b>2178</b>
3.01	Электр технологик қурилмалар	280
3.02	Энергетиканинг математик масалалари	136
3.03	Саноат корхоналарининг электр таъминоти	240
3.04	Шаҳар электр таъминоти	212
3.05	Электр таъминоти тизимини монтажи ва ишлатиш	240
3.06	Реле химояси ва автоматикаси	320
3.07	Электр ёритиш	120
3.08	Электр таъминоти тизимида электр энергияси назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимлари	156
3.09	<i>Танлов фанлари</i>	474
<b>5.00</b>	<b>Кўшимча фанлар</b>	<b>450</b>
	<b>Жами</b>	<b>6912</b>
	<b>Малакавий амалиёт</b>	<b>1188</b>
	<b>Битирув малакавий иши</b>	<b>324</b>
	<b>Аттестациялар</b>	<b>972</b>
	<b>Жами</b>	<b>2484</b>
	<b>ҲАММАСИ</b>	<b>9396</b>

Ишлаб чикувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим  
муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари  
**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ислон Каримов номидаги  
Тошкент давлат техника университети

Ректор С.М. Турабджанов проф. С.М. Турабджанов

М.Ў.



2018 йил « 02 » август

Марказий магистрал электр тармоқлари корхонаси

Директор М.М. Комилов М.М. Комилов

М.Ў.

2018 йил « 02 » август

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим  
